

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2020. Таг.72.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИНДИАМИНОВА ШОИРА АМРИДДИНОВНА

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒДА КЕЧГАН ДИНИЙ ЖАРАЁНЛАР

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Индиаминова Шоира Амриддиновна

Илк ўрта асрларда Суғдда кечган диний жараёнлар 5

Индиаминова Шоира Амриддиновна

Религиозные процессы в Согде в эпоху раннего средневековья 23

Indiaminova Shoira Amriddinovna

Religious processes in Soghd in the early middle ages 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2020. Таг.72.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИНДИАМИНОВА ШОИРА АМРИДДИНОВНА

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒДА КЕЧГАН ДИНИЙ ЖАРАЁНЛАР

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2020.2 PhD/Таг225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ширинов Темур Ширинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Расмий оппонентлар:

Атаходжаев Азимхужа Музафарович
тарих фанлари доктори

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/27.02. 2020. Таг. 72.07. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» «__» соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11– уй). (Тел.: (99865) 221–29–14, факс: (99865) 2212707, e–mail: busu_rector@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11– уй). (Тел.: (99865) 221–29–14, факс: (99865) 221–27–07).

Диссертация автореферати 2020 «__» __ кунда тарқатилди.
(2020 йил «__» __даги __рақамли реестр баённомаси)

Иноятов С.И.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тарих ф.д., профессор

Жамолова Д.М.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, тарих ф.н.

Ҳайитов Ш.А.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, тарих ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тарихшунослигида жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликни таъминлашда диний бағрикенглик тамойили асосий омил сифатида эътироф этилган. Зеро, дин жамият ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ижтимоий қонун – қоидаларни барқарорлаштириш ҳамда жамиятни тартибга солишга хизмат қилган. Шу боисдан ҳам, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28 – сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” қабул қилиниб, бу сана дунё миқёсида “Халқаро диний бағрикенглик куни” сифатида кенг нишонланмоқда.

Ҳозирда дунё миқёсида Суғд конфедерациясининг тарихи, маданияти ва диний эътиқодларини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан – йилга ортиб бормоқда. Суғдда мавжуд бўлган зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик каби диний масалаларга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етук илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Шарқ ва Африка тадқиқотлари уюшмаси (Буюк Британия)¹, Париж илмий тадқиқотлар миллий маркази (Франция), Нара университети (Япония), РФА Лингвистик тадқиқотлар институти (Москва), РФА Шарқ кўлёмалари институти (Санкт–Петербург)², Давлат Эрмидажи (Санкт–Петербург), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Я. Ғуломов номидаги Археология институтида ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон – Италия (2001 йилдан то шу кунга қадар) Ўзбекистон – Япония (2006 йилдан то шу кунга қадар) халқаро экспедицияси томонидан олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда халқимизнинг келиб чиқиш, шаҳарсозлик, бой маданий мероси, давлатчилик тарихи ва диний жараёнлар тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Зеро, “Тарихий меросни асраб – авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”³. Шу жиҳатдан, Марказий Осиё маданий алоқалари чорраҳасида жойлашган Суғднинг илк ўрта асрлар тарихидаги диний жараёнларни тадқиқ қилиш ва уларнинг ўзаро алоқалари, тарқалиш босқичларини археологик ҳамда ёзма манбалар асосида ўрганиш мавзунинг заруриятини белгилайди.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 – сонли “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789 – сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий – тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ – 4068 – сонли

¹ SOAS University of London

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий–тадқиқотлар <http://www.brill.com>; <https://www.ehess.fr>; <https://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.ivran.ru>; <https://iling.spb.ru>; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://uzhistory.uz>; <https://www.soas.ac.uk> ва бошқа манбалар асосида.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1–жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 29.

“Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги 792 – сон қарори ҳамда бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихий манбаларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари Суғд, деб юритилиб, унинг илк ўрта асрлар даври диний жараёнлар тарихи мавжуд археологик материаллар ёзма манбалар билан қиёсий таҳлил этиш асосида ёритилмаган. Шу боисдан, мавзуга даҳлдор бўлган тадқиқотларни урта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: биринчи гуруҳга муаммонинг тарихшунослиги билан шуғулланган ва бу борада салмоқли ишларни амалга оширган олимлар асарларини; иккинчи гуруҳга археологик объектлар материаллари асосида илмий изланишлар олиб борган археологлар тадқиқотларини; учинчи гуруҳга эса хорижлик суғдшунослар тадқиқотларини киритишимиз мумкин. Бу масала тадқиқотнинг I бобида муфассал ёритилган.

Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади археологик ва ёзма манбалар асосида илк ўрта асрларда Суғдда кечган диний муносабатлар тарихини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Илк ўрта асрларда Суғддаги диний эътиқодлар манбашунослигини таҳлил қилиш;

Суғддаги диний жараёнлар тарихига оид тадқиқотлар ва муаммонинг тарихшунослигини асослаш;

Ибтидоий диний қарашлар ва шомонийлик излари моҳиятини очиб бериш;

Суғд ҳудудида зардуштийлик дини қарашлари ва дафн маросимлари (археологик материаллар таҳлили асосида) таҳлил қилиш;

Илк ўрта асрларда буддавийлик ва монийлик динларининг Суғдга кириб келиш омиллари, тарқалиш хусусиятларини асослаш;

Суғд ҳудудида христианлик (насонийлик) дини ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида илк ўрта асрларда Суғдда кечган диний жараёнлар тарихи танланган.

Тадқиқотнинг предметини илк ўрта асрларда Суғддаги диний эътиқодлар мавзуси манбашунослиги ҳамда тарихшунослиги, ибтидоий диний қарашлар, шомонийлик, зардуштийлик дини, дафн маросимлари, буддавийлик, монийлик динларининг Суғдга кириб келиш омиллари, христианлик ва ислом динининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ёритувчи маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қўйилган илмий муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда тарихий таққослаш, сабаб, жараён ва натижа боғлиқлиги, тарихий билишнинг холислик, тарихийлик ҳамда тизимлилик каби ёндашув ҳамда усулларига таянилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк ўрта асрларда Суғдда мавжуд бўлган диний маросимларнинг хусусиятлари археологик фактлар асосида ўрганилган ва бугунги кунда ҳам диний эътиқод шакллариининг ўзига хос жиҳатлари (руҳнинг мавжудлиги, ҳайвон ва нарса-буюмларга сиғиниш ва ҳ.к.) сақланиб қолганлиги этнографик материаллар билан асосланган;

Суғдда амалда бўлган диний маросимлар ва урф одатларнинг (мавсумий ва табиат билан боғлиқ, дафн, аждодлар руҳи, руҳлардан паноҳ, мадад, омад тилаш, ҳосилдорлик тилаш кабилар) ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти очиб берилган;

Суғддаги диний объектларнинг қиёсий таҳлил қилиниши натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари аҳолиси урф одатларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда мустақил ҳокимликлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг динга кўрсатган таъсири аниқланган.

Кофирқалъадан топилган зардуштийлик диний саҳнаси акс эттирилган ёғоч паннодаги мусиқа асбоблари ҳамда мусиқачиларнинг образларини тадқиқ қилиш орқали илк марта “Авесто” да тилга олинган, яъни диний маросимлар пайтида сиғинувчилар мусиқадан кенг фойдаланган деган фикр амалда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ургут тумани Жартепа зардуштийлик ибодатхонасидан топилган моддий манбаларнинг ўрганилиши, таҳлили натижасида олинган маълумотларни кенг тарғиб қилиш илк ўрта асрларда юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган динлар тўғрисида ҳалқимиз тасаввурининг бойитилишига хизмат қилади.

Жанубий Суғд Нахшаб ва Ургут туманидаги христианлик ибодатхонасида олиб борилган археологик қазиниш ишлари асосида топилган моддий манбалар ўрганилиб, таҳлил қилиниши асносида илк ўрта асрларда мамлакатимизда диний бағрикенглик тамойиллари мавжуд бўлганлиги исботланди ва бу тамойиллар ҳозирга қадар муштараклиги миллатлараро тотувликни таъминлашга хизмат қилади.

Суғд остодонлари: Афросиёб, Иштихон, Биянайман, Муллақурғондан топилган остодонлар ўрганилган бўлиб, уларни амалий жиҳатдан кенгрок ўрганилиши ва илмий муомилага киритилиши юртимиз моддий маданиятига доир кўргазма ва лойиҳалар ташкил этиш, ҳамда каталоглар яратишда

фойдаланилади.

Диссертация натижаларидан иборат “Буюк ипак йўли” номли монография Тошкент ва Сеул шаҳарларида ўзбек ҳамда корейс тилларида нашр эттирилди ва ишнинг амалий натижаларидан бири сифатида оммалаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:

Суғддаги диний жараёнлар тарихини тадқиқ этишда бирламчи манбалар: археологик ёдгорликлар ва суғд ёзма матнларининг қиёсий таҳлили билан асослангани, шунингдек, муаммони ёритишда қўлланилган хитой, араб, форс тилларидаги манбалар, нумизматик материалларнинг илмий талқини асосида баҳоланган. Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Суғдда кечган диний жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганилиши бугунги кунда инсониятга катта хавф туғдираётган турли сохта диний оқимлар, диний экстремизм, ақидапарастлик, миссионерлик, ваҳобийлик каби жамият учун ёт ва зарарли ғояларга қарши курашда, илмий ва ғоявий зарба бериш, уларнинг асл мақсадларини очиб беришда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятидаги археологик обидалар харитасини яратиш, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш ғоявий омилларини шакллантиришда, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдизларини асослаш ҳамда таъминлашда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши “Илк ўрта асрларда Суғдда кечган диний жараёнлар” мавзусидаги фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация бўйича қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Илк ўрта асрларда Суғдда кечган диний жараёнлар билан боғлиқ бўлган моддий манбалар ва уларнинг тузилишига оид хулосалар, тегишли материаллардан “Суғд ва Уструшонанинг антик ва илк ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари” мавзусидаги амалий лойиҳасида (2012–2016 йй) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 январдаги № 3/1255–233–сон маълумотномаси). Натижада, Суғднинг илк ўрта асрлар даврига оид ибодатхоналарнинг меъморий жиҳатдан бунёд этилишида географик шарт – шароит ва иқлим муҳим ўринни эгаллаганлиги, шунингдек, ёзма ва археологик манбалар қиёсий таҳлили асосида илк ўрта асрларда динларнинг воҳага кириб келиши сабаблари ҳамда зардуштийлик билан бир қаторда муомалада бўлган христианлик, монийлик, буддавийлик динлари мисолида диний бағрикенглик, маданиятлар синтези учун қулай минтақа эканлигини асослашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижасида олинган илмий – назарий ғоялар, методологик таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг йиллик ишчи дастури доирасида бажарилган чора – тадбирлар дастурини амалга оширишда фойдаланилди (Маданият вазирлигининг 2019 йил 12

декабрдаги 01–12–10–6202–сон далолатномаси). Натижада, ёшлар ўртасида маънавий – маърифий тадбирларни ўтказиш самарадорлигини оширишда, шунингдек, тарғибот тадбирларини мунтазам равишда олиб бориш мақсадида 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган маданий – маърифий ва тарғибот ишлари умуммиллий Концепцияси ва Комплекс чора – тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Вьетнам каби давлатлар ҳудудларидан топилган археологик буюмлар: ёзувлар, амалий санъат асарлари асосида суғд миссионерлари ва савдогарларининг зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, христианлик динларини Узоқ Шарқ мамлакатларига ёйилишида воситачи бўлганликларини яққол исботлайди. Бунга асосланган илмий натижаларга таяниб қилинган диний бағрикенглик тамойилларига доир амалий таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2019 йил 28 майдаги 04–13/2505–сон далолатномаси). Натижада, Республикамиз ҳудудида умумий жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги ва вояга етмаганлар жиноятчилигини, ишламасдан юрган уюшмаган ёшлар сонини камайтиришга эришилди.

Жартепа оташпарастлар ибодатхонаси тадқиқотлари асосидаги илмий хулосаларидан, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши фаолиятига тадбиқ этилди. (Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 26 июльдаги №02–01–487–сон далолатномаси). Бу эса маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий – маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш Концепциясини ишлаб чиқишда, “Ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни содир этилиши сабаблари ва шарт–шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида” ги Низомни ишлаб чиқишда илмий – назарий манба сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари илмий хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида “Шарқ гавҳари”, “Мерос” ва “Самарқанд садоси” каби телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон МТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 декабрдаги 09–01/331 сон маълумотномаси). Кўрсатувларда томошабинларнинг илк ўрта асрлар Суғд тарихини моддий ва маънавий ҳаётига доир янги маълумотлар билан танишишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий – амалий конференциялар ва 2 та ҳисобот сессияларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (5 та Республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 136 бет, унга иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Суғд ҳудудларида кечган диний жараёнларнинг ўрганилиши (тарихшунослик ва манбашунослик таҳлили)**”, деб номланган биринчи бобида муаммога доир археологик манбалар ўрганилган ва ёзма манбалар ҳамда илмий асарлар таҳлил этилган. Суғддаги ижтимоий – маданий ва диний қарашлар тўғрисида маълумот берадиган манбаларни ёзма ва археологик материалларга бўлиш мумкин. Ёзма манбалар ҳам мазмун – моҳияти ва хусусиятига кўра 4 гуруҳга бўлинади: а) Хитой йилномалари ва сайёҳлари ёзма манбалари, б) форс, Византия ва арман манбалари, в) ўрта аср тарихчи сайёҳлари томонидан келтирилган маълумотлар, г) араблар истилосига қадар Суғд шаҳарларидаги ижтимоий – маданий, диний муносабатлар тўғрисида бирламчи муҳим манба бўлган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидир.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё, жумладан, Суғдда яшаган халқлар ҳаёти, уларнинг савдо – сотик муносабатлари ва маънавий маданияти ҳақидаги маълумотлар хитой йилномаларида, хусусан “Бей шу” (Шимолий хонадонлар тарихи), (386 – 618), “Суй шу” (Суй сулоласи тарихи) (581 – 618), “Тан шу” (Тан сулоласи тарихи) (618 – 907) да учрайди⁴. Шунингдек, Шюан Занг (596–664) сафарномасида, сайёҳ Вэй Жен⁵ ва Сюань Цзян асарларида⁶ ҳамда роҳиб Хой Чао⁷ эсдаликларида келтирилган. Хитой манбаларида Суғд аҳолиси асосан зардуштийлик динига эътиқод қилганликлари ва “Дэси” руҳи билан боғлиқ бўлган диний маросимлар ҳамда аҳоли орасида буддавийлик динига эътиқод қилувчилар жуда кам бўлганлиги қайд этилган.

Ўрта асрлар араб – форс манбаларида жумладан, Абулқосим Фирдавсий⁸, ат – Табари⁹, Абу Райҳон Беруний¹⁰, Маҳмуд Қошғарий¹¹, Абу Бакр

⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. Издательство Академии Наук. – М. –Л., 1950. – С. 271, 274, 281, 286, 310, 315; Chavannes E. Voyage de Song Jundansl' Udyanaetle Gandhara (518–522) // BEFEO. 1903. Vol. 144.

⁵ Хўжаев А. “Ўзбекистон овози” газетаси. 25 январь 2014 йил. 12 (31.759) – сон.

⁶ Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань Цзяна. – М., 1991. – С. 5–6.

⁷ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, 1989. – С. 70.

⁸ Фирдавсий. Шохнома / Ўзбек тилига Ш. Шомухаммедов таржимаси. – Тошкент, 1984. – Б.705.

⁹ История ат – Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Ташкент, 1987.– С. 122.

¹⁰ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов таржимаси. Танланган асарлар. 1 – жилд. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 487.

¹¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. Т. 3. Тошкент, 1963. – Б. 357.

Наршахий¹², ал – Балозурий¹³ ва бошқаларнинг асарларида¹⁴ Суғд аҳолисининг диний эътиқод, урф – одат ва маросимлари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Суғднинг ташқи алоқалари, ижтимоий – сиёсий ва диний муносабатлари тарихини ўрганишда Муғ тоғи ҳужжатлари энг қимматли манбалардир. Воҳа аҳолиси араб халифалиги босқинига қадар асосан зардуштийлик динига эътиқод қилганлиги Муғ тоғи ҳужжатларида келтирилган бир қатор диний унвонларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Муғ тоғининг Nov. 5, A – 5, I.1, B – 7 – ҳужжатларида *Мағупат*, *Вағнпат*, *Шраман* каби диний унвонлар номлари келтирилган. Мағупат¹⁵ (A – 5) – диний лавозими “бош қоҳин” кейинчалик маъбуд шаклини олган. Шунингдек, Вағнпат (Nov. 5, I.1) – ибодатхонада оташқадани сақловчи шахс бўлиб, ушбу лавозим эгаси жамиятда диний ва ижтимоий муносабатларнинг етакчиларидан бўлган. Уни В.А. Лившиц Авестодаги “гав” ўзаги билан боғлаб, бу сўзни “фойда даромад” деб изоҳлайди. Шу асосда, ғупат – “даромадлар ноziри”, бошқача айтганда ибодатхона молия ишлари мутасаддиси¹⁶, деб келтиради. Шраман (B – 7) – будда дини роҳибни маъносида келтирилади¹⁷. Шу ўрнда, В.А. Лившиц Суғдда VIII аср бошларида буддизм у қадар сезиларли рол ўйнаганини таъкидлаган¹⁸.

Илк ўрта асрларда Суғд зардуштийлик дини билан боғлиқ ибодатхоналар, кўмиш маросимларини ўзида акс эттирган науслар ва оташгоҳлар, бир қатор тадқиқотчилар томонидан очиб ўрганилган. Натижада, Марказий Суғддаги Панжикент¹⁹, Жартепа²⁰, Робинжон²¹ ибодатхоналари, Ғарбий Суғддаги Пойкенд²² ва Жанубий Суғддан Ерқўрғон²³ ёдгорликларида қайд этилган ибодатхоналар деярли тагкурси устига тўрт буржли қилиб қурилгани, уларнинг тузилиши, функциялари ҳақида тадқиқотчилар ўз фикр мулоҳазаларини илгари сурган.

Шунингдек, зардуштийликда кўмиш билан боғлиқ бўлган науслар ва

¹² Наршахий Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс–тожик тилидан таржима А. Расуловники. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 120.

¹³ Белазури. Извлечения из книги “Китоб футух ал – Булдон” / Т. I. Перевод извлечений С. Волина в кн. Туркмены. – Ашгабад: 1950. – С. 126.

¹⁴ Гардизий Абу Саид. Зайн ал – ахбар Перевод с персидского языка А.К. Арендса. – Ташкент, 1991. – С. 174; Ибн–Хауқал Абул – Касим. Китаб ал–Масалик вал–Мемалик / Перевод с арабского языка С. Волина. – Л., 1939. – С. 181–184; Кандия Малая / Перевод В. Л. Вяткина / Справочная книга Самаркандской области. – Самарканд, 1906. – С. 241; Худуд ул – олам. (Мовароуннахр тавсифи). Форсчадан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой ном. О. Бўриев. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008, – Б. 13–28.

¹⁵ СДГМ II. – С. 182.

¹⁶ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992. – Б. 54.

¹⁷ СДГМ II.– С. 165.

¹⁸ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992. – Б. 57.

¹⁹ Шкода В.Г. Пенджикентские храмы и проблемы религии Согда (V–VIII века). – Санкт – Петербург, 2009. – С. 30–50.

²⁰ Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Храм Джартепа. – Ташкент, 1999. – С. 12

²¹ Буряков Ю.Ф., Ростовцев О.М. Раскопки древнего Рабинджана. АО. 1973. – М., 1974. – С. 477 – 478.

²² Омельченко А.В. К изучению храма на цитадели Пайкенда.// ИМКУ. Вып. 36. – Самарканд, 2008. – С. 87–90.

²³ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. – С. 341

уларда қайд этилган остадонлар Афросиёб²⁴, Панжикент²⁵ Кофирқалъа ёдгорликларидан топилган. Шу билан бирга, деворий расмлар²⁶ ҳамда ёғочли паннолар ҳам воҳада кечган диний жараёнлар ҳақида муҳим маълумотлар беради²⁷.

Марказий Осиё, хусусан, Суғдда христианлик дини ва у билан боғлиқ ибодатхоналарнинг мавжудлиги ёзма манбалардаги маълумотлар билан бирга археологик тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, христианлик дини билан боғлиқ ибодатхоналар Регистон майдонидан²⁸, Ургут тумани Ўтамас қишлоғи яқинидаги Қўштепа²⁹, Сўфиён³⁰ ва Насафдаги Қўштепадан очилган ҳамда Кожартепа, Мудинтепа ва Таллисортепадан христианлик (насронийлик) билан боғлаш мумкин бўлган моддий манбалар қўлга киритилган³¹.

XIX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб Суғд маданиятини фаол тарзда ўрганишга киришилди. Бу борада Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, Е.Ф. Самойлович ва бошқа кўплаб олимларнинг Туркистонда ўтказган тадқиқотлари ҳам муҳимдир. Кейинчалик, В.А. Беленицкий³², Г.А. Пугаченкова³³, Б. Ғофуров³⁴, Ю. Якубов³⁵, Х. Ахунбабаев³⁶, Р.Х. Сулаймонов³⁷, В.Г. Шкода³⁸, А.Э. Бердимуродов М.К. Самибоев³⁹, Г.

²⁴ Веселовский Н.И. Сообщение о раскопках в городище Афрасиаб близ Самарканда в 1885 г. // Записки Русского археологического общества. Новая серия. II (1887), ХСП – CIV.

²⁵ Якубовский А.Ю. Вопросы изучения пенджикентской живописи // Живопись древнего Пенджикента. – М., 1954. – С. 21–22.

²⁶ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент, 1975. – С. 160

²⁷ Бердимуродов А., Богомолов Г., Бегматов А., Такао У. Кофирқалъа тилга кирмоқда // Фан ва турмуш. № 1 – 2. – Тошкент, 2018. – Б.10–15.

²⁸ Бурякова Э.Ю., Буряков Ю.Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам на площади Регистан в 1969–1971 гг.) // Афрасиаб. Вып. II. – Тошкент, 1973.

²⁹ Исхаков М.М., Ташходжаев Ш.С., Ходжаев Т.К. Раскопки Коштепа // ИМКУ. Вып. 13. – Ташкент, 1977. – С. 88–97.

³⁰ Бердимуродов А., Ронделли Б. Материалы к археологической карте левобережья Зарафшана // ИМКУ. Вып. 35. – Самарканд, 2006. – С. 153.

³¹ Раимкулов А.А. Христианский храм–монастырь Коштепа в Нахшабе среднеазиатские и западные параллели // Археология и история Центральной Азии. – Ташкент, 2004. – С. 123–129.

³² Беленицкий А.М. Раскопки согдийских храмов в 1948–1950 гг. // МИА. № 37. – М. –Л., 1953. – С. 21.

³³ Пугаченкова Г.А. Иштиханский оссуарий – новый памятник согдийского искусства // Общественные науки в Узбекистане. № 3. Ташкент.1975. –С.325; Пугаченкова Г.А. Храм огня в Великом Согде // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент, Изд-во лит. и искусства.1987.- С.224.

³⁴ Гафуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история./ 2-е изд. Душанбе. Ирфон. 1989 – С.384.

³⁵ Якубов Ю. Религии древнего Согда. – Душанбе, Изд-во. Дониш.1996.- С182.

³⁶ Ахунбабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – Самарканд: Полиг. пред. САРАТОН–ХАМАР, 1999, – С.179;. Ахунбабаев Х.Т. Домашние храмы раннесредневекового Самарканда // Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда (античность, раннее средневековье). Материалы советско–французского коллоквиума. – Ташкент, Фан. 1987.- С. 10-22.

³⁷ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб: проблемы цивилизации Узбекистана. – Ташкент, Фан. 2000. – С. 342.

³⁸ Шкода В.Г. Пенджикентские храмы и проблемы религии Согда (V – VIII вв.). – Санкт – Петербург, Изд-во Гос. Эрмитажа. 2009.- С.280.

³⁹ Бердимуродов А.Э., Самибоев М.К. Храм Джартепа-II: (к проблемам культурной жизни Согда в IV-VIII вв). – Ташкент, 1999. - С.72.

Богомолов⁴⁰, И.Д. Иваницкий⁴¹. А.А. Грицина⁴² ва А.А. Раймқулов⁴³, Ю.Ф. Буряков⁴⁴ ҳамда А.В. Омельченколарнинг⁴⁵ тадқиқотларида археологик ва ёзма манбаларга асосланган ҳолда Суғдадаги диний эътиқод масалаларига эътибор қаратилган. Диннинг давлат тизимидаги ўрни ва диний қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари М. Исҳоқов⁴⁶ ва А. Отахўжаевлар⁴⁷ ҳамда, бошқаларнинг илмий тадқиқотларида⁴⁸ ўз аксини топган.

Хорижда ҳам Суғдада кечган диний жараёнларга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улардан Ф. Грене⁴⁹, М.Н Волтер⁵⁰, А. Неймарк⁵¹ ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёда, жумладан, Суғдада зардуштийлик, монийлик, христианлик, буддавийлик, ҳинд ва бошқа динларнинг вужудга келиши ҳамда тарқалиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган тадқиқотлари муҳим ҳисобланади.

Хуллас, мавжуд манбаларнинг илмий таҳлилига кўра, Суғдада кечган диний жараёнлар алоҳида объект сифатида ёритилмаган. Шу боис, илк ўрта асрларда Суғдадаги диний қарашлар ҳақида ҳозиргача анча ноаниқлик ва янглиш, чалкаш фикрлар мавжудлиги кўзга ташланади. Мазкур диссертациянинг мақсади, археологик ва ёзма манбалар асосида илк ўрта асрларда Суғдада кечган диний эътиқодлар тарихини ҳаққоний ўрганиб, ягона тизимга солишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг **“Илк ўрта асрларда Суғд ҳудудида диний трансформация жараёнлари”** деб номланган иккинчи бобидан илк ўрта асрларда Суғд ҳудудида дастлабки диний қарашлар, зардуштийлик дини

⁴⁰ Богомолов Г.И., Бердимуродов А.Э. Религии Центральной Азии и Азербайджана. Т.П. Зороастризм и верования маздеистского круга. Самарканд:МИЦАИ. 2017.– С.167 – 276.

⁴¹ Иваницкий И.Д. Христианская символика в Согде // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. – Ташкент, 1994. – С. 64–70.

⁴² Грицина А.А. Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том. IV. Христианство. – Самарканд: МИЦАИ, 2018. – С. 104 – 156.

⁴³ Раймқулов А.А. Христианский храм – монастырь Коштета в Нахшабе среднеазиатские и западные параллели // Археология и история Центральной Азии. – Ташкент, 2004. – С. 123–129.

⁴⁴ Бурякова Э.Ю., Буряков Ю.Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам на площади Регистан в 1969 – 1971 гг.) // Афрасиаб. Вып. II. Ташкент, 1973. – С.70.

⁴⁵ Омельченко А.В. К изучению храма на цитадели Пайкенда.// ИМКУ. Вып. 36. – Самарканд, 2008. – С. 87–90.

⁴⁶ Исҳоқов М.. Авеста. Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, 2001. – Б.126.; Авеста. Видевдот китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, 2007. – Б. 100; Исҳоқов М.М., Ташходжаев Ш.С., Ходжайов Т.К. Раскопки Коштета // ИМКУ. Вып. 13. – Ташкент, 1977. – С. 88 – 97.

⁴⁷ Отахўжаев А. Суғднинг буддавий фалсафий – ахлоқий ёзма меросидан / Қадимги ёзма ёдгорликлар – Тошкент, 2000. – Б.70-73; Суғдадаги туркларда зардуштийлик // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Илмий–амалий семинар материаллари – Тошкент, 2000. – Б. 80–83; Илк ўрта асрларда Суғдадаги миллий ва диний бағрикенглик (суғд ёзма манбалари асосида) // Бағрикенглик жамият барқарорлигининг асоси: илмий–амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 169–173; Муғ архивидаги В – 8 ҳужжати: “наус учун сотилган ер битими”да зардуштийлик одатлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари: IV республика илмий – назарий конференцияси материаллари. – Тошкент – Наманган, 2007. – Б. 201–205

⁴⁸ Ғоибов Б.С. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. – Тошкент, 2015. –Б.49.

⁴⁹ Grenet F. Cultes et monuments religieux dans l'Asie centrale préislamique Année 1988 –P. 173–1744; Histoire et cultes de l'Asie centrale préislamique : sources écrites et documents archéologiques Année 1989 - P. 44. 137; Grenet F. Religions du monde iranien ancien. Conférence. - P. 109–116

⁵⁰ Walter M.N. Sogdians and Buddhism Piladelphia. 2006.- P..205.

⁵¹ Naymark A. Sogdiana, its Christians and Byzantium a study of artistic and cultural connections in late antiquity and early Middle Ages Indiana University, 2001–P..509

кириб келиш омиллари ва дафн маросимлари объектлари тадқиқ қилинган бўлиб, динлар трансформацияси юз берганлиги асосланган.

Қадимги инсонлар табиат руҳи ва коинот олами – булар кудратли илоҳий куч эканлигига ишонишган ва ўз – ўзидан маълумки уларнинг марҳаматига сазовор бўлиш учун илоҳларга атаб қурбонликлар қилишган. Инсоният тарихида ушбу қарашлар илк диний тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ушбу ҳодисалар одамга сирли ва жумбоқли туюлиши билан бирга уларда ҳам инсонга хос хислатлар, яъни ирода, онг ва истак каби хусусиятлар мавжуд бўлиб туюлган. Ўзлаштириш жараёнида инсон буларнинг барчасини жонли ва ғайритабиий куч эгаси, деб ҳисоблаган ва уларга эътиқод қилган.

Ибтидоий одамлар ўлган кишининг қайта тирилиб келмаслигини англаганларидан сўнг, “руҳ ҳамиша тирик” у нариги дунёда яшайди, деган тасаввурга эга бўлган. Вафот этган қабила бошлиқлари, жасур жангчилар ва аждодларининг руҳлари тирик, авлодларни ҳар хил бало қазолардан асрайди, деган илинжда уларга сиғинганлар, руҳлар ҳаққига бағишлаб ҳар хил диний маросимлар ўтказганлар. Бу диний ақида аждодлар руҳига сиғиниш, дея ном олган. Суғдда ҳам бу диний ақида кенг ёйилганлиги илмий адабиётларда қайд қилинган.

Самарқанд музейида сақланаётган ноёб остадон ушбу тасаввурларни яққол намоиш этади. Унда олов ёниб турган меҳроб яқинидаги коҳинлар тасвирланган, меҳроб устида эса фаришталар учиб юрибди. Яъни, ўлимдан кейин қалб – руҳ ўз йўлини оловли меҳроб остонасидан – оловли тахтдан бошлайди, бу ерда қурбонликлар қилинади. Қадимги инсонларда шундай ишонч бўлганки, гўё вафот этганнинг тасвири, бош суяги ва қутича руҳлар учун вақтинча турадига жой ҳисобланган ва маълум бир кунларда улар “жонланганлар”. Марказий Осиё ҳудудида аждодларнинг руҳларига сиғиниш учун ибодатхоналар қурилган, бу ердаги меҳробда олов ёниб турган, девор бўйлаб қурилган супаларда овқатлар қўйилган, шунингдек худоларга ва маҳаллий аҳолининг илоҳларига бағишланган маросимлар ўтказилган⁵².

Аждодларимиз яшаган ибтидоий даврларда, барча қабилаларни бирлаштирадиган ягона дин мавжуд бўлмаганлиги сабабли турли диний ақидалар амалда бўлганлигини кўрсатади. Бундай диний ақидалардан бири “тотемизм”, деб аталган. Айрим ҳолларда қабиланинг тотеми сифатида маълум бир ўсимлик ҳам танланган⁵³. Тотемизм узоқ асрлар мобайнида одамлар онгида сақланиб қолганлиги ва кейинчалик унинг айрим унсурлари зардуштийлик ва буддавийлик динларига ҳам ўтганлиги маълумдир.

Суғддаги Панжикент ибодатхонасидан (VI–VIII асрлар) ва Муғ тоғидан топилган кумуш узук – муҳрда ҳам маҳорат билан ишланган ҳўкиз тасвири бор⁵⁴. Самарқанддаги Талли – Барзу шаҳарчасидан топилган идишда ҳўкиз гавдали соқолли эркак боши тасвирланган. Тадқиқотчи Г. Тревер уни

⁵² Ставиский Б. Я. К вопросу об идеологии домусульманского Согда / Сообщения Республиканского историко-краеведческого музея Тадж ССР. № 1. 1952. – С. 35, 40–43, 52.

⁵³ Hinnels JR, editor. The Penguin Dictionary of Religions. Penguin Books Ltd, 1984. –P. 336.

⁵⁴ Беленицкий А.М. Изображение быка на памятниках искусства древнего Пянджикента // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С. 92.

Гопатшах – “чўпон – шоҳ” деб атайди. Унинг таъкидлашича, Гопатшах тасвири зардуштийлик матнларида тасвирланганларга мос келади, яъни “оёғидан гавданинг ўртасигача у – ҳўкиз, тананинг ўртасидан юқориси – одам”⁵⁵.

Шарқ мифологияси ва поэзиясида кўйланган туя Марказий Осиё худудида, илоҳийлашган ҳокимиятнинг тотемларидан бири бўлган⁵⁶. Афросиёбдаги (VI–VIII асрлар) сопол бўлакларида иккита туя кўринишида тахтда ўтирган ҳукмдор ва туяга миниб олган худолар тасвирланган⁵⁷.

Суғд худудида, ибтидоий диний эътиқодлардан бири бўлган фетишзм билан боғлиқ диний қарашларни ҳам учратиш мумкин.

Афросиёб деворий суратларида Самарқанд ихшиди хорижий давлатлар элчиларини қабул қилаётганида, архар тасвирлари билан безатилган либосда бўлганлигини кўриш мумкин. Архарларнинг бўйнидаги кўнғироқчалар тасвири Варахша ва Болаликтепа деворий расмларида ҳам учрайди. Уларни туморлар деб ҳисоблаш мумкин, чунки одамларнинг тасаввурларида уларнинг овози жин – ажиналарни ҳайдаган. Болаликтепа деворий расмларидаги тасвирлар ҳам сеҳргарлик билан боғлиқлиги кўринади. Натижада ижтимоий онгда шундай хулоса шаклланадики, агарда одамзод тинч яшашни ва омадли бўлишни хоҳласа, ғайритабиий кучларга сажда этиб, қурбонликлар қилиши лозим бўлган. Олий кучнинг ҳомийлиги остида бўлмаган одам ўзини кучсиз ва ҳимоясиз сезган.

Милоднинг VI асри иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги таркибида бўлган Суғдда шомонийлик дини ёйилган. Бошқа динлар каби шомонийлик ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, руҳларга ишониш, улар билан илоҳий кучга эга бўлган махсус одамлар орқали мулоқотга киришиш мумкин бўлган.

Зардуштийлик милоддан аввалги VI асрдан то милоднинг VIII асригача, Суғд, Хоразм, Чоч, Фарғона ва Бактрия худудида асосий дин сифатида амал қилан. Зардуштийлик тасаввурлари Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти (урф – одатлар, маросимлар, оилавий, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга) катта таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам Авесто тарихи билан шуғулланган аксарият тадқиқотчилар зардуштийликнинг пайдо бўлиши Марказий Осиё худуди билан боғлиқ, деб билдирган фикрлари далилларга асосланади.

Суғдда зардуштийлик жамоалари бўлганлиги ҳақида ўрта аср араб географлари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, ибн Хавқал хабар беришича, Самарқанддаги зардуштийлар жамоасига Жуи – Арзиз кўрғошин ариғининг ҳолатини кузатиб бориш топширилган⁵⁸. Ҳатто X–XI аср чегараларида ҳам Беруний Суғддаги магларни (зардуштийлар) эслатади.

Зардуштийликни бошқа диний эътиқодлардан ажралиб турадиган яна бир фарқли жиҳати, инсон вафот этгандан кейин амалга ошириладиган

⁵⁵ Тревер К. В. Гопатшах – пастух–царь // ТОВЭ. № 2. –Л., 1940. – С. 73.

⁵⁶ Лурье И. М. История техники Древнего Египта // Очерки по истории Древнего Востока. – М. –Л., 1940. – С.161.

⁵⁷ Шкода В.Г. К вопросу о культовых сценах в согдийской живописи // СГЭ. № 45. 1980.– С. 60.

⁵⁸ Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу–л–Касыма ибн Хаукаля // Труды Среднеазиатского государственного университета. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1957. – С. 15.

маросимлардир. Оловга сиғинишга хос бўлган бошқа динлар орасида зардуштийликни яққол ажратиб турувчи белги – бу ўзига хос дафн этиш одатлари бўлиб, мархум суяклари этидан ажралгунига қадар махсус жойга қўйилади ва шу тарзда тозаланган суяклар кейинчалик қайта кўмилади.

Мўллақўрғондан топилган остадондаги композицияда зардуштийлик белгилари яққол кўринади. У уч қаватли бўлиб, марказида доимий ёнувчи оловли меҳроб жойлашган, ундан юқори томонда қайта туғилишни ифодаловчи ўсимлик шоҳлари бор. Оташдоннинг икки томонида икки тиззалаб турган коҳин –“оловни озиклантириш” диний маросимини амалга оширмақда.

Зардуштийликка хос яна бошқа бир анъана Суғднинг турли воҳаларидан (Самарқанд ва Қашқадарёда) топилган остадонлардаги икки саҳнали кўриниш ҳисобланади. У ўлимдан кейин инсон руҳининг тақдири тўғрисидаги зардуштча тасаввурларнинг кўринишидир. Уларда Срош (нариги дунёдаги ҳакамлардан бири, тартиб ва интизом худоси) қўлида ўлган кишининг руҳини ушлаган ҳолда уни Чинват кўпригидан ўтказмоқда. Срош қўлида тарозиси билан ўтилган нариги дунё худоси Рашну томонга бормоқда. Бу худо ўлган кишининг яхши ва ёмон ишларини ўлчаш вазифасини бажаради. Срош бир қўли билан ўлган киши руҳининг қўлларидан тутиб келмоқда, иккинчи қўлида эса кичкина оловли меҳробни ушлаб олган⁵⁹.

Б.И. Маршак ва В.И. Распопова остадонларда тасвирланган аркасимон бино оловга атаб қурбонлик қилиш ёки худолар ролини ижро этган санъаткорлар рақс тушган ибодатхона деб ҳисоблайдилар⁶⁰.

Юқорида айтилганларнинг барчаси Марказий Осиё икки дарё оралиғида зардуштийликнинг муҳим рол ўйнаганлиги ҳақидагина эмас, балки Суғдда ҳукмрон дин зардуштийлик бўлганлиги тўғрисида гапиришга имкон беради⁶¹.

Ислом динининг Мовароуннаҳр ҳудудига кириб келиши билан қадимги одатларнинг айримлари синтезлашади. Бунинг натижасида бу одатлар исломлаштирилади. Бундай синтезлашган одатлар Марказий Осиё халқлари учун хос бўлиб, бошқа мусулмон мамлакатларида эса улар қабул қилинмаган. Масалан мархумнинг вафотининг 20 ва 40 кунларини ўтказиш ва бир йиллигига овқат тайёрлаш, Қуръондан оятлар ўқишнинг ҳозирги кунгача сақланиб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **“Суғд ҳудудида динлар эволюцияси (буддавийлик, монийлик, христианлик ва ислом)”**, деб номланиб, ушбу бобда буддавийлик, монийлик, христианлик ва ислом дининг Марказий Осиё айнан Суғд ҳудудига кириб келиш омиллари ва ўзига хос хусусиятлари археологик ва илмий манбаларга таянган ҳолда ўрганилган.

⁵⁹ Религии Центральной Азии и Азербайджана. Т.П.Зороастризм и верования маздеистского круга. – Самарқанд:МИЦАИ, 2017. – С. 264.

⁶⁰ Маршак Б.И., Распопова В.И. Адоранты из северной капеллы и храма Пенджикента. // Проблемы интерпретации памятников культуры Востока. – М., 1991. – С. 164; Marshak B.I. On the Iconography of Ossuaries from Biya–Naiman // Silk Road Art and Archaeology. – Kamakura, 1995/96. Vol. 4. – P. 308.

⁶¹ Лившиц В.А. Согдийские документы с горы Муг. Вып. 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – Москва., 1962. – С 39.

Буддавийлик дини Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига милоднинг бошларида кириб келди. Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келиши Кушонлар салтанати ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Канишка даврига келиб буддавийлик ҳукмрон динга айланди. Канишка даврида (78–123 й.) зарб қилинган тангаларда бошқа илоҳлар қаторида будда тасвири ҳам учрайди. Буддавийлик кушонлар даврида кенг ёйилган бўлса – да, аммо Марказий Осиёнинг барча ҳудудларига тенг тарқалган эмас. Бу дин асосан Бактрия ҳудудларига кенг тарқалган. Суғдда буддавийлик бунчалик кенг тарқалган эмас. Тўғри Кушонлар давлати юксалган даврда буддавийлик Суғдда маълум мавқени эгаллаган бўлса–да, империянинг инқирозидан сўнг буддавийлик Суғдда таназзулга юз тута бошлади.

Суғддаги буддавийлик тўғрисида, биринчидан қисқа эслатмалардан иборат ёзма манбалар, иккинчидан, археологик топилмалар орқали далилларга эга бўлишимиз мумкин. Жумладан, Афросиёбдаги Наср ибн Сайёр саройида VIII асрга оид қатламдан Бодхисатванинг 10 см. ли бронзадан ясалган олтин суви югуртирилган ҳайкалчаши топилган⁶². Суғдда буддавийликнинг маълум даражада мавжуд бўлганлигини Панжикентдан топилган хумдаги ёзув ҳам тасдиқлайди. Унга фақат биргина “сутра” сўзи ўйиб ёзилган. Хум ва ушбу суғд ёзуви ҳам VI асрга оиддир⁶³. Кофирқалъа ёдгорлигидан ҳам будда тасвирланган булла топилган. Аммо ҳозиргача, Суғд ҳудудида буддавийлик дини ибодатхоналари аниқланмаган. Тахминларга қараганда, фақат Сангзор дарёси бўйида буддавийлик ибодатхонаси харобалари бўлган.

Шарқшунос В.Б. Хеннинг фикрича, монийликни Марказий Осиёга тарқатувчилар асосан суғдликлар бўлган⁶⁴. Бу қайсидир даражада VIII асрнинг биринчи ярмида монийлар раҳнамосининг Самарқандга келиши ва бу ерда қароргоҳини қуриши билан тасдиқланади⁶⁵. Жумладан, Самарқандда монийларнинг жамияти ёки монастри бўлганлиги тўғрисида “Ҳудуд – ул – Олам” асарида маълум қилинади⁶⁶.

IV асрда Суғдда дастлабки моний ибодатхоналари – монастирлари пайдо бўлган⁶⁷. VIII асрнинг биринчи ярмида Хитой императорининг қонун кучига эга бўлган бир қарори (декрет)да Моний таълимоти “ғарбий ху маҳаллий дини” деб аталган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бунда умуман Марказий Осиёнинг аҳолиси эмас, балки айнан суғдликлар назарда тутилган⁶⁸.

⁶² Грене Ф., Грицина А.А., Иваницкий И.Д. Раскопки дворца Насра бин Сайара // Археологические исследования в Узбекистане 2002. Вып. 3. Самарканд, 2003. – С.215.

⁶³ Мончадская Е.А. Глиняный налест с пенджикентского оссуария // Труды Академии наук Таджикской ССРС. Т. СХХ. – Душанбе, 1960. – С. 125 – 126.

⁶⁴ Henning W. Agri and the Tokharians. BSO (A) S. Vol. 9. – P. 3. 1938.p.13–14.

⁶⁵ Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И. Аджина – тепа. – М., 1971. – С. 121.

⁶⁶ Худуд ул – олам. (Мовароуннахр тавсифи) Форсчадан таржима, сўз боши,изоҳлар ва жой ном. Кўрс. О. Бўриев. – Тошкент: О‘zbekiston, 2008. – Б. 78.

